



Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra



**Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш**

**комиссиясининг**


**илмий-ахборот маркази**

**Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти**

**«Фермер хўжаликлари даласида сувнинг маҳсулдорлигини ошириш»  
лойиҳасининг**

**АХБОРОТ МАРКАЗИ**

**АЖРИҚ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА  
ТАВСИЯ**



**АНДИЖОН**

Ажриқ деҳқончиликка ниҳоятда кучли зарар келтирувчи кўп йиллик бегона ўт бўлиб, у деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари майдонларида пайдо бўлади ҳамда маданий экинлар ҳосилдорлигига, унинг сифатига путур етказди.

Бу бегона ўт кўпроқ чопиқ қилинмайдиган, қатор оралари ишланмайдиган экинлар (ғаллалилар) ичида ўсиб ривожланишга ихтисослашган. Чунки, чопиқталаб, қатор оралари ишланадиган экинлар ичидаги бегона ўтлар, жумладан ажриқ ҳам дамо-дам йўқотиб турилади.

Ажриқнинг бўйи бизнинг шароитимизда 25 см га етиб боради, бир тупида ўртача 2000 дона уруғ ҳосил бўлади. Лекин бу бегона ўт уруғи орқали тарқала олмайди. Чунки қоракуя билан кучли зарарланиб унувчанлигини йўқотади.

Мазкур бегона ўт асосан илдизпоялари орқали тарқалади. Бу бегона ўт 3-5 см даги узунликдаги бўғинлар ҳосил қилади, бу бўғинлар туташган жой мўрт бўлиб, унинг кўпайишига яхши имконият ҳисобланади. Зероки ушбу бегона ўтнинг илдизпоялари ниҳоятда кучли яшовчанлик ёки табиат ноқулайликларига чидамлилик хусусиятига эга. Бежиздан халқимизда «Қирқ йил офтобда қуритсанг ҳам ёнбоши ерга тегса қўқараверади» деб айтилмаган. Қолаверса ажриқ бегона ўти маданий экинга нисбатан тупроқ намлигини 3-4 марта кўп ўзлаштиради, унинг транспирация коэффиценти 1183 дир, буғдойники эса 513 ҳисобланади. Айни пайтда ажриқ қурғоқчиликка ҳам ниҳоятда чидамлидир.

Авалло шуни эътироф этишимиз лозимки, ажриқ илдизпоялари экин экиладиган ерларда 20 см гача, экин экилмайдиган ерларда 15 см гача тупроқ қатламларига кириб қалин чим ҳосил қилади, тупроқ озикасидан фойдаланиб, унинг унумдорлигини пасайтиради.

Бизнинг аниқлашимизча оч тусли бўз тупроқлар шароитида 1 см узунликдаги илдизпоя 4 см чуқурликдан, 3 см узунликдагиси 16 см дан, 10 см даги узунликдагиси эса 20 см дан 10-12 фоиз миқдорда униб чиқа олади.

Демак, ажриққа қарши кураш чораларини ўтказишда унинг юқоридаги хусусиятлари ҳисобга олиниши зарур. Бу қарши кураш чоралари қуйидагилардан иборат.

Бу бегона ўтга қарши кураш дастлаб олдини олиш чораларидан бошланиши ёхуд дала четлари, ажриқ илдизпоялари далага тушиш эҳтимоли бўлган атрофлардаги бегона ўтлар йўқотилиши, бу борада тегиб таъсир этувчи гербицидлардан, хусусан Нитрофендан, Пантерадан фойдаланиш зарур бўлади. Нитрофен билан тут дарахтлар ишланганда у тутлар остидаги бегона ўтларга ҳам салбий таъсир этади, Пантеранинг сепиш меъёри гектар ҳисобига 1,5-2 л/га.

Навбатдаги қарши кураш чораси агротехникавий бўлиб, бунда ажриқ босган майдон аввал узунасига, кейин кўндалангига, сўнг қиялатиб 15-20 см га чизелланади, тупроқ қатлами юмшатиб олинади. Кейин эса осма шихмола билан яна узунасига, кўндалангига, қиялатиб ажриқ поялари тўпланади ва кўл кучи ёрдамида даладан четга чиқарилади. Шихмолалашни ажриқ кучли босган майдонларда 2-3 марта қайтариш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг аниқлашимизча бу агротадбир далаларни ўт босишини 62,1 фоизга камайтиради.

Ўз вақтида ва сифатли ўтказилган кузги ҳайдов далаларни ажриқ босишини 36,3 фоизга камайтиради. Майдонни қўшқаватли омочлар билан албатта чимқирқар ўрнатилган ҳолда амалга оширилса ҳайдовнинг бегона ўтга қарши самарадорлиги янада ортади. Чунки қўшқаватли ҳайдовда тупроқнинг юқоридаги 0-20 см ли қатлами чимқирқар билан пастга 20-40 см га туширилади, пастдаги 20-40 см ли қатлам эса юқорига 0-20 см га чиқади. Тажрибалардан маълумки, 20-40 см ли тупроқнинг ҳайдов қатлампидан илдизпоялардан ажриқ ниҳоятда кам ўсиб чиқа олади.

Ажриққа қарши курашда экинларнинг кўчат қалинлиги ҳам рисоладагидек бўлиши талаб этилади, чунки қайси далада экин кўчат қалинлиги кам, оласи кўп бўлса, ўша далада бегона ўтлар, жумладан, ажриқ ҳам гуркираб ўсади, кучли илдизпоялар ҳосил қилади.

Суғоришлардан сўнг ўтказиладиган қатор ораларни ишлаш тадбири ҳам ажриққа қарши аҳамиятли қарши кураш чорасидир. Бу тадбир албатта камров кенглиги ва чуқурлиги амалдаги тавсиялар асосида ўтказилиши лозим. Айни пайтда, култиватор жиҳозларига илашган ажриқ илдизпоялари пайдарпай, дала четида ишчи кучи ёрдамида олиб турилиши, даладан четга чиқарилиши зарур. Акс ҳолда, ажриқ бегона ўти камаймайди, балки, бутун далага тарқаб кетади.

Қатор оралари ишланадиган экин майдонларда чопиқ ва ўтоқ ўтказиш ҳам самарали тадбирдир. Бу тадбир жараёнида чопилган ажриқ ва унинг илдизпоялари албатта йиғиштириб олиниши ва даладан четга чиқарилиши керак.

Мазкур бегона ўтга қарши кимёвий усулда кураш олиб бориш Пантера ва Глифосат гербицидлари билан амалга оширилади. Пантера гербицидини ажриқнинг бўйи 10-15 см бўлганда гектар ҳисобига 1,5 - 2,0 л меъёрада, Глифосат эса ҳосили йиғиштириб олинган далаларига 4,0-6,0 л/га ҳисобида пуркалади.

Фермер хўжаликларининг мутахассислари бу бегона ўтга қарши кураш чораларини юксак маъсулият билан ўтказишлари, далага сув билан илдизпоя оқиб киришига йўл қўймасликлари, эрта баҳорги шихмолалашда ҳам ажриқ илдизпояларини йиғиштириб туришни ташкил этишлари, умуман ажриққа қарши тизимли, барча қарши кураш чораларини мужассам олиб боришлари ёки олдини олиш, агротехникавий, биологиевий ҳамда кимёвий чораларни биргаликда қўллашлари талаб этилади.

Ушбу тавсиянома «Ахборот маркази»нинг мутахассиси, кхфн, ЎзПИТИ Андижон филиали катта илмий ходими С. Баҳромов томонидан илмий манбалар асосида тайёрланди.